

ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА СНУП®

Препаратнинг савдо номи Снуп®

Халқаро патентланмаган номи ёки гуруҳлар номи: ксилометазолин

Дори шакли: назал дозаланган спрей

Таркиби

1 доза спрейи (90 мкл) қуйидагиларни сақлайди:

фаол модда - ксилометазолин гидрохлориди - 45 мкг ёки 90 мкг,

ёрдамчи моддалар: денгиз суви, калий дигидрофосфати, инъекция учун сув.

Таърифи

Рангсиз, тиник эритма.

Фармакотерапевтик гуруҳи

Антиконгестант восита - альфа-адреномиметик.

АТХ коди: R01AA07

Фармакологик хусусиятлари

Фармакодинамикаси

Ксилометазолин альфа-адреномиметик фаолликка эга бўлган маҳаллий қон томирларни торайтирувчи воситалар гуруҳига киради (деконгестант), буруннинг шиллик қаватларидаги қон томирларини торайтиради, бурун шиллик қаватининг гиперемияси ва шишни бартараф қилиб, бурун йўллариининг ўтказувчанлигини тиклайди, бурун орқали нафас олишни енгиллаштиради.

Препаратнинг таъсири қўлланганидан сўнг 5-10 минутдан кейин бошланади ва 12 соат давомида давом этади.

Фармакокинетикаси

Маҳаллий қўлланганида препарат деярли сўрилмайди, шунинг учун плазмада унинг концентрацияси жуда кам (замонавий аналитик усуллар билан аниқланмайди).

Қўлланилиши

Ринитнинг кўринишлари (тумов) билан ўткир респиратор касалликлар, ўткир алергик ринит, поллиноз, синусит, евстахиит, ўрта отити (бурун халқумнинг шиллик қаватини шишини камайтириш учун мажмуавий даволаш таркибида), бурун йўлларида риноскопия ва диагностик муолажаларни ўтказишни енгиллаштириш учун қўлланади.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Ксилометазолинга ўта юқори сезувчанлик ёки препаратни бошқа копонентларига; артериал гипертензия, тахикардия, якқол атеросклероз, глаукома; атрофик ринит, гипертириоз, бош мия пардаларидаги жарроҳлик аралашувлари (анамнездаги), бурун терисини қаватининг яллиқланиш касалликлари, трансфеноидал гипофизектомиядан кенги ҳолатлар, ҳомиладорлик, 6 ёшгача бўлган болалар (90 мкг/дозага юборилган учун бурун спрей), 2 ёшгача бўлган болалар (45 мкг/дозага мўлжалланган учун бурун спрей).

Моноаминоксидаза (МАО) ингибиторлари терапиясида (ва ундан кейин 14 кун давомида), трициклик ва тетрациклик антидепрессантларни қўллаган ҳолда, бошқа жойда қўлланадиган томирларни торайтирувчи (деконгестантлари), ҳамда бошқа артериал босимни кўтарувчи препаратлар билан биргаликда ишлатиб бўлмайди.

Эҳтиёткорлик билан

Қандли диабет, оғир юрак-қон томир касаликлари (шу жумладан юрак ишемик касаллиги), простата безининг гиперплазияси, феохромоцитома, порфирия, гипертиреоз, эмизиш даври, артериал босимни оширувчи моноаминооксидаза ингибиторлари, трициклик антидепрессантлари ва бошқа дори препаратлар билан бир вақтда қабул қилиш; уйқусизлик, бош айланиши, аритмия, тремор, артериал босимни ошиши билан; узок QT интервал синдроми бўлган беморлар.

Ҳомиладорлик ҳамда лактация даврида қўлланилиши

Ҳомиладорлик даврида препаратни қўллаш мумкин эмас.

Эмизиш даврида препарат фақат барча она ва гўдакнинг соғлиги учун хатар ва фойдаларни баҳолаган ҳолда қўллаш керак. Тавсия этилган озировкани оширмаган маъқул. Эмизиш даврида Снуп® препаратини ишлатишдан олдин шифокор билан маслаҳатлашиш керак.

Қўллаш усули ва дозалари

Интраназал

Снуп® дозаланган назал спрей 45 мкг/доза

2 ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларга ҳар бир бурун йўлига 1 пуркашдан кунига 1 - 3 мартагача буюрилади. Кунига 3 мартадан кўпроқ фойдаланиш мумкин эмас.

Катталар ва 6 ёшдан ошган болаларга ҳар бир бурун йўлига 1-2 пуркашдан, кунига 2-3 мартагача буюрилади.

Кунига 3 мартадан кўпроқ фойдаланиш мумкин эмас.

Снуп® дозаланган назал спрей 90 мкг/доза

Катталар ва 6 ёшдан ошган болаларга 1 пуркашдан бурун йўлига кунига 2 - 3 мартагача буюрилади.


Кунига 3 мартадан кўпроқ фойдаланиш мумкин эмас.

Болалардаги препарат катталар назорати остида ишлатилиши керак.

Охириги пуркашни ётишдан олдин қилиш тавсия этилади.

Қўллашдан олдин бурун йўллари тозалаш керак.

1-расм.



Ҳимоя қилувчи қопқоқчани ечинг. Биринчи марта пургагични қўллашдан олдин пургагичли учликни ҳалқасини бир неча марта бир хил булутча “туман” пайдо бўлишигача босиш керак (1-расм). Препарат билан флакон бундан кейин қўллаш учун тайёр.

2-расм.



Қўллаш учун учликни бурун бўшлиғига киритиб ва бир марта (2-расм) ҳалқани босинг. Флаконни вертикал ушлаш керак. Горизонтал ва пасқа пуркаш мумкин эмас. Бевосита пуркашдан кейин бурун билан енгил нафас олиш керак. Қўллашдан кейин флаконни ҳимоя қилувчи қопқоқча билан ёпинг.

Ҳар бир флакон индивидуал равишда ишлатилиши керак.

Терапия тугагач препаратни фақат бир-неча кундан сунг такроран қўллаш мумкин. Болаларда қўллашни давомлиги масаласида шифокор билан маслаҳатлашиш керак. Агар даволашдан сунг яхшиланиш кузатилмаса ва симптомлар оғирлашса, ёки янги

симптомлар юзага келса, зудлик билан шифокор маслахатини олиш керак. Препаратни фақат қўлланмада келтирилган кўрсатмалар, қўллаш усули ва айтилган дозаларда асосан ишлатинг.

Ножўя таъсирлари

Ножўя таъсирларнинг кузатилиш классификацияси: жуда кўп учраш ($> 1/10$); кўп учраш ($> 1/100$ дан $< 1/10$ гача); кўп эмас ($> 1/1000$ дан $< 1/100$ гача); кам учраш ($> 1/10\ 000$ дан $< 1/1000$ гача); жуда кам учраши ($< 1/10000$).

Иммун система томонидан:

Жуда кам кузатилиш: юқори сезувчанлик (ангионевротик шишиш, тошма, қичиш).

Нерв тизими томонидан:

Кўп кузатилиш: бош оғриғи.

Кам кузатилиш: уйқисизлик, депрессия (анча вақт давомида юқори дозаларда қўлланганда).

Жуда кам кузалитиш: хавотирлик, чарчаш, парестезия, галлюцинациялар ва тиришишлар (асосан болаларда).

Ҳиссиёт органлари томонидан:

Жуда кам: кўзларда аниқлик пасайиши.

Юрак қон-томирлари тизими томонидан:

Кам учраш: юрак уришини хис этиш, артериал босим ошиши.

Жуда кам: тахикардия, аритмия.

Нафас олиш тизими томонидан:

Кўп учраш: бурунни шиллиқ қоламани куруклиги, куйганлик хиси, аксириш, бурун-оғиз шиллиқ қоламанинг гиперсекрецияси.

Кам учраш: препарат қўлланилганидан сунг бурун шиллиқ қоламида шишиш кучайиши кузатилиши мумкин (реактив гиперемия), бурундан қон оқиши.

Ошқозон тизими томонидан:

Кўп учраш: кўнгил айниш.

Кам учраш: қусиш.

Махалли реакциялар:

Кўп учраш: қўлланилган жойда қизиш хиси.

Агар сизда қўлланмада кўрсатилган ножўя таъсирлар кузатилса ёки кучайса, ёки Сиз боқа ножўя таъсирларни сезган булсангиз, шифокорга бу тўғрисида айтинг.

Дозани ошириб юборилиши

Симптомлар:

Дозани ошириб юборилганида клиник сурат асаб тизимнинг бузилиши (хавотирлик, галлюцинация, тиришишлар) фазасини марказий асаб тизимидаги сиқилишлар (харорат пасайиши, секинлашув, уйқувчанлик, кома) фазаси билан алмашиб туришдан иборат булади. Бундан ташқари бошқа симптомлар бўлиши мумкин: миоз, мидриаз, юқори терлаш, юқори харорат, рангсизлик, цианоз, кўнгил айниши ва қусиш, тахикардия, брадикардия, юрак аритмиялари, юрак тўхташи, юрак қаттиқ уриши, артериал босим кўтарилиши, артериал босим шокгача қадар пасайиши, ўпка шишиш, нафас олиш депрессияси ва апноэ, психоген бузилишлар.

Болаларда дозани ошиб кетишида тиришишлар, кома ва брадикардия, апноэ, ҳамда юқори артериал босим ва кетидан гипотония билан бўлган доминант марказий таъсирлар кузатилади.

Даволаш:

Симптоматик, шифокор назорати остида.

Препаратни тасодифий ютишида – активланган кўмир киритиш, ошқозон ювиш.

Оғир дозани ошириб юбориш ҳолатида стационарда интенсив терапия ўтказиш кўрсатилган. Жиддий ҳолатларда артериал босимни пасайиши учун носелектив альфа-

адреноблокаторлар, ҳарорат пасайтирувчи моддалар, интубация ва ўпкани сунъий вентиляцияси қўлланиши мумкин

Дориларнинг ўзаро таъсири

Ксилометазолиннинг моноамиоксидаза (МАО) ингибиторлари ва трициклик ҳамда тетрациклик антидепрессантлар, бошқа жойда қўлланувчи томирларни торайтирувчи (деконгестантлар) моддалар, ҳамда бошқа артериал босимни кўтарувчи моддалар билан бир вақтда қўлланиши артериал босимни ошиб кетишига олиб келиши мумкин, ва шу сабабли бу препаратларни бир вақтда қўллаш мумкин эмас. Агар Сиз юқорида кўрсатилган ёки бошқа дори препаратларни (шуни ичида рецептсиз бериладиган) қўллаётган булсангиз, Снуп® препаратини қўллашдан олдин шифокор билан маслаҳатлашинг.

Махсус кўрсатмалар

Препаратни таркибига қирувчи денгиз суви шиллиқ қаватини бокал симон хужайраларда шиллиқ ишлаб чиқарилиши меъёрлаштириш ва кипричкали эпителийни фаолиятини яхшилаш ҳисобига бурун бўшлиғини шиллиқ қаватини нормал физиологик ҳолатини ушлаб турушига ёрдам беради.

Узилишсиз 7 кундан ортиқ қўллаш тавсия этилмайди.

Тавсия этилган дозаларни оширмаслик керак, айниқса болалар ва кексаларда.

Узоқ давр мобайнида (7 кундан ортиқ) қўллаш ёки ксилометазолиннинг дозасини ошиб кетиши препаратни терапевтик таъсирини пасайишига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари реактив гиперемия ва бурун шиллиқ қаватини атрофияси хавфини оширади.

Ксилометазолинни қабул қиладиган узоқ QT синдроми бўлган беморларда жиддий қоринча аритмияларини ривожланиш хавфи юқори бўлиши мумкин. Агар препаратни муддати ўтган бўлса уни чиқинди сувга ёки ташқарига ташламанг! Дори дармонларни ахлат қутисига жойлаштиринг. Ушбу чорағтадбирлар атроф – муҳитни муҳофаза қилишга ёрдам беради.

Транспорт воситаларни ва механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири

Дозалаш тартибига риоя қилинса ксилометазолин диққатни жамлаш ва психомотор реакциялар тезлигига таъсир қилмайди.

Чиқарилиш шакли

Дозаланган назал спрей 45 мкг/доза ва 90 мкг/доза.

15 мл назал спрей (150 доза) сепувчи клапанли полиэтилен флаконда.

1 флакон препаратни тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга картон кутида.

Сақлаш шароити

25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.

Флакон очилганидан кейин препарат 12 ой давомида ишлатилиши керак.

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилик муддати

5 йил.

Яроқлилик муддати ўтгач қўлланилмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецептсиз.

Ишлаб чиқарувчи

Урсафарм Арцнаймиттель ГмбХ, Германия

Индустриештрассе, 35
66129 Саарбрюккен
ёки

Фамар Хелф Кейр Сервисез Мадрид С.А.У., Испания
пр. Леганес, 62, г. Алькоркон, 28923 (провинция Мадрид), Испания

ёки

Хемомонт д.о.о., Черногория
81000, Подгорица, ш. Илије Пламенца бб к.

Қайд қилиш гувоҳномасини олган ташкилотнинг номи.
«ШТАДА Арцнаймиттель АГ», Германия
Штадаштрассе 2-18, D-61118, Бад Фильбель
Тел: +49-6101-603-0 факс: +49-6101-603-259

Истеъмолчиларнинг эътирозлари қабул қилувчи ташкилот
“Нижфарм” АЖ, Россия
603950, Нижний Новгород ш. Салганская кўч., 7
Тел.: (831) 278-80-88
факс: (831) 430-72-28
E-mail: med@stada.ru

Ўзбекистон Республикаси худудида дори воситаларининг сифати бўйича эътирозлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили:
“Нижфарм” АЖ, Ўзбекистон Республикасини ваколат хонаси
100060 Тошкент ш. Тарас Шевченко куч., 21 А.
Тел./факс: (99871) 140-35-81.